

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 81-ҳадис

81 - وَعَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «كُفَعْنَا الْفَجْرَ خَيْرٌ مِنَ الدُّنْيَا وَمَا فِيهَا». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

وَفِي رِوَايَةٍ لَهُمَا: أَحَبُّ إِلَيَّ مِنَ الدُّنْيَا جَمِيعًا.

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

“Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Бомдод намозининг икки ракат (суннати) дунё ва ундаги нарсалардан яхшидир», дедилар.

Имом Муслим ривоятлари.

Имом Бухорий ва Муслимнинг бошқа ривоятларида:

«(Икки ракат бомдод намозининг суннати) дунёдаги ҳамма нарсадан мен учун яхшироқдир», дейилган.

Шарҳ: Мўмин киши бомдод намозини ўз вақтида адо этишга ошиқади. Бу намоз кишининг иймонига ва динининг мустаҳкамлигига далилдир. Чунки бомдод намози мўмин билан мунофиқларнинг орасини фарқловчидир. Расулуллоҳ с.а.в. бомдод намозини мунофиқларга адо этиш оғирдир, деб хабар берганлар. Пайғамбар алайҳиссалом бу намознинг савоби улканлигини одамлар билганларида эди, ушбу намозни гарчи масжидга эмаклаб бориб бўлсада, адо этишарди дея фазилати улуғ эканига ишора қилганлар.

Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Бомдод намози намозларнинг ичидаги энг савоби улуғ намоздир.
2. Мусулмон киши бомдод намозини масжидда жамоат билан ўқишга

ошиқади.

3. Намозхон киши бомдод намозига уйғониш учун барча чораларни кўради. Масалан, таҳорат олиб уйқуга ётади, соат уйғотгичини белгилаб, кейин ётади.
4. Муслмон киши улкан савобни бошқаларга ҳам улашиб, дўстларини ҳам бомдод намозига уйғотишга уринади.
5. Бомдод намози дунёдаги ҳар қандай бойликдан, мол-мулк, уй-жой, зебу зийнатлардан мўмин учун маҳбублигини Расулуллоҳ с.а.в. таърифлаганлар.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI